

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙТАЛИЕВА НИГОРА СОГИБНАЗАРОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ЛИРИКАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(90-йиллар аёллар шеърляти мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Хайталиева Нигора Соғибназаровна

Ҳозирги ўзбек лирикасининг поэтик хусусиятлари
(90-йиллар аёллар шеърляти мисолида)3

Хайталиева Нигора Соғибназаровна

Поэтические особенности современной узбекской лирики
(на примере женской поэзии 90-х годов)23

Khaytaliyeva Nigora Sogibnazarovna

Poetic features of present Uzbek lyrics
(based on the 90th years poetry of women).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works50

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙТАЛИЕВА НИГОРА СОГИБНАЗАРОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ЛИРИКАСИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(90-йиллар аёллар шеърляти мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий интестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1427 рақам билан руйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (rezume) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuull.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жураева Гулноза Ахматовна филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Қувватова Дилрабо Хабибовна филология фанлари доктори, профессор Раджабова Буробия Тангировна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» 12 соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кучаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz); e-mail: monitoring@www.tsuull.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (238 рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кучаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» 12 кuni тарқатилди.

(2022 йил «7» 12 даги 2 рақамли реестр баённомаси).


И.И.Адилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор
Қ.У.Нардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент
Қ.Б.Йулдошев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қонисидаги илмий семинар раиси,
пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида поэтик мазмун ва шакл янгиланишининг адабий-эстетик асослари, поэтик анъана ва новаторлик синтези каби масалалар долзарб муаммо ўлароқ тадқиқ этиб келинмоқда. Ижодкор поэтик тафаккурининг янгиланиши анъаналарга ёндашувнинг, лирик қаҳрамон табиатининг, бадиий образлар тадрижининг, жанрлар такомилли ва поэтик шаклларнинг янгиланишига асос бўлади. Жаҳон адабиётида шундай ижодкорлар борки, улар ижодидаги адабий-эстетик янгиланишлар бутун миллий адабиётнинг янгиланиб, янада юксак босқичга кўтарилишига замин яратади. Бундай ижодий фаолиятларни ўрганиш дунё адабий-эстетик олами тараққиёти билан боғлиқ кўплаб илмий муаммоларнинг ечимини топишда муҳим ўрин тутади.

Дунё адабиётшунослигида адиблар ижодий лабораторияларини ўрганиш, улардаги ўзига хосликнинг анъанавийликка муносабати масалаларини талқин этиш зарур илмий хулосалар чиқаришга асос бўлиб келган. Асарларни мазкур йўналишда таҳлил этиш адабиётшунослик илмининг мавзу, бадиий образ, жанр, вазн каби назарий масалаларини янада аниқлаштириш ва такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Ўзбек адабиётшунослигида лирик асарларнинг поэтик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ўзгаришлар маънавий соҳалари сингари ўзбек шеърятининг ҳам шакл-шамойили ва маъно-мазмунда, ифода йўсини ва тасвир воситаларида жиддий ўзгаришларни пайдо қилди. “Мустақиллик туфайли тарихий, маданий, диний, адабий меросни қайта кўздан кечириш, умумбашарий қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолаш тамойили кучайди. Бунинг қутлуғ самараси сифатида қадриятларга муносабат, тушунчаларга баҳо, тасаввурларга нуқтаи назар ўзгарди. Дунёқараш ўзгараётган экан, табиийки, бадиий тафаккур янгиланиши, бунинг самараси ўлароқ адабиёт ўзгариши муқаррардир”¹. Ушбу ҳодиса биринчи галда бадиий асарларнинг поэтик хусусиятларида намоён бўлмоқда. Хусусан, 90-йиллар ўзбек лирикасини поэтик хусусияти, ғоявий, бадиий-эстетик вазифаси нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам адабиётшунослик илмида долзарб ҳисобланади. Негаки, ижтимоий-сиёсий воқеликдаги, маънавий-маданий ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, аввало, ижодкорнинг онги-шуури ва ижодий имкониятлари такомиллида ўз ифодасини кўрсатади. Аслида, бадиий тафаккурдаги ўзгаришлар ҳамиша янгиланишлар оғушида кечади. Бу ҳолни лирик характерларнинг фикрлаш ва ҳис қилиш тарзида, поэтик тилнинг ижтимоий, бадиий-фалсафий, ахлоқий маъно асосларида, поэтик тасвирнинг бўёқдорлиги, серқатлам ва серқирра мазмундорлиги сингари жиҳатларда кўрамыз. Кейинги йиллар ўзбек аёл шоирлари изланишларида ушбу ҳодисанинг намоён бўлиш тамойилларини ўрганиш муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

¹Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеъряти (Тамойиллар, тажрибалар, сабоқлар). – Т: Фан, 2007. – Б. 3.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 септябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда адабиётшунослигимиз соҳасида лирик шеърлардаги бадиий-эстетик изланишлар, жанрлар системаси ва ижодий индивидуалликлар, ижодкор шахси ва услубий йўналишлар, инсон-табиат ва замин концепцияси, бадиий тафаккурдаги янгилаш аломатлари, давр ва қаҳрамон руҳиятини акс эттиришда психологизм, анъана ва ворисийлик, поэтик образ ва образлилик, сарбаст шеър табиати, поэтик сўз эстетикаси, бадиий маҳорат масалалари муаммосига ўрганилган жиддий тадқиқотлар олиб борилди³.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори //Lex Uz/ 20.10.2020.

³ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Адабий танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 464.; Шу муаллиф. Гўзаллик излаб. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 224.; Шу муаллиф. Ҳақиқатга садоқат. Адабий танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 416.; Ғафуров И. Шеърят – изланиш демак. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 232.; Шу муаллиф. Лириканинг юраги. Адабий ўйлар. – Т.: Ёш гвардия, 1985. – Б. 224.; Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Тўплам. – Т.: Фан, 1985. – Б. 208; Воҳидов Р., Ҳошимова М. Шеърят – шоир юраги. – Т.: Фан, 1987. – Б. 72.; Ҳаққулов И. Шеърят – руҳий муносабат. – Т.: 1990. – Б. 186.; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 534.; Каримов Ҳ. Истиқлол даври шеърятини. – Т.: Зарқалам, 2005. – Б. 80.; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини: тамойиллар, тажрибалар, сабоқлар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 260.; Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. Монография ва мақолалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 200.; Шу муаллиф. Янгилаш эҳтиёжи. – Т.: Фан, 2007. – Б. 186.; Ашурова Г. Тимсол – сўз ва маъно асоси. Рисола. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 80.; Ғаниев И., Афоқова Н. Озод руҳ фалсафаси. Монография. – Т.: Фан, 2007. – Б. 152.; Эргашева Ш. Кўнгилнинг моҳипайкари. Рисола. – Т.: Университет, 2006. – 56 б.; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингво поэтик таҳлили асослари. – Т.: Фан, 2007. – Б. 176.; Умрзокова Н. Поэтик образ ва маҳорат. Рисола. – Т.: Фан, 2008. – Б. 128.

Яратилган қатор номзодлик⁴ ҳамда докторлик⁵ диссертациялари ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларига янада кенг кўлам ва салмоқ бағишлади.

Аммо ҳозирги ўзбек лирикасининг поэтик хусусиятлари муаммолари тадқиқ этилган илмий ишлар бармоқ билан санарлидир. Б.Ёриевнинг “Мақсуд Шайхзода шеърятининг тили”⁶, М.Сиддиқовнинг “Ҳамза бадий тилининг хусусиятлари”⁷ номли номзодлик диссертациялари индивидуал сўз санъаткорлари асарларининг поэтик тили орқали бадий маҳоратини ёритишга бағишланган. Таниқли адабиётшунос У.Тўйчиевнинг “Поэзия тилининг хусусиятлари”⁸ номли тадқиқотида шеърят поэтикаси адабиёт миллийлигини кўрсатувчи белгиларига, тилнинг адабий анъаналар, жанрлар, турли поэтик приёмлар, бадий восита ва шеър системалари, ритмика ва оҳанг (интонация) табиати билан боғлиқ ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. Маълум бўладики, XX асрнинг 90-йиллари ўзбек лирикасининг поэтик хусусиятларини монографик йўсинда тадқиқ этиш адабиётшунослигимизда махсус ўрганилган эмас.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Истиклол даври ўзбек адабиётининг ривожланиш хусусиятлари” ҳамда “XX аср охири – XXI аср бошлари истиклол даври ўзбек адабиёти тарихи” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. 90-йиллар ўзбек шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Нуриллаева, Гулчеҳра Жўраева, Қутлибека Раҳимбоева, Зулфия Мўминова, Фарида Афрўз, Зебо Мирзаева, Ҳалима Аҳмедова, Гуландом Тоғаева каби ижодкорлар шеърларидаги поэтик хусусиятларни очиб беришдан иборат.

⁴Қодиров В. Ҳозирги замон ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Филол.фан. номз.... дисс. автореф. –Т., 1993. – Б. 24; Алиев Б. Ҳозирги замон ўзбек шеърятининг психологизм муаммоси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1994. – Б. 26.; Қосимов Я. Ўзбек шеърятининг поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1994. – Б. 22.; Мирзаева Д. Ҳозирги ўзбек лирикасида бадий тафсил. Филол. фан. номз.... дисс. ... автореф. – Т., 1995. – Б. 24.; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 26.; Ражабов Д. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1998. – Б. 24.; Маматова А. Ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг шаклланиши ва унинг бадиий-эстетик хусусиятлари. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. –Т., 2000. – Б. 26.; Умирзоқова Н. Усмон Носир шеърятининг руҳият тасвири. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 23.; Курбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеърятининг образлилик. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 22.; Мирзаева Н. XX аср шеърятининг метафорик образ муаммоси (Г.Лорка ва Ш.Раҳмон шеърятининг мисолида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006. – Б. 26.; Ашурова Г. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 24.; Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърятининг анъана ва бадиий маҳорат. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 26.

⁵Раҳимжонов Н. Ҳозирги ўзбек шеърятининг тараққиёт тенденциялари. Филол. фан. док.... дисс. автореф. – Т., 1989. – Б. 56.; Акрамов Б. Ҳозирги ўзбек лирикасида поэтик образ масаласи. Филол. фан. док.... дисс. автореф. – Т., 1991. – Б. 52.; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т., 1994. – Б. 46.; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари. Филол. фан. док.... дисс. автореф. – Т., 1996. – Б. 51.; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятининг психологик тасвир маҳорати. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. –Т., 1999. – Б. 50.; Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 41.

⁶Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1979. – С. 24.

⁷Сиддиқов М. Особенности художественного языка Хамзы. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990. – С. 26.

⁸Тўйчиев У. Поэзия тилининг хусусиятлари. Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. 1 том. Адабий асар. – Т.: Фан, 1978. – Б. 357-405.

Тадқиқотнинг вазифалари:

90-йиллар аёллар шеъриятида поэтик идрок ва ифода тарзининг ижтимоий психологик омилларини аниқлаш;

шоираларимиз бадий-эстетик тафаккур табиатида шаклланган миллийликнинг ўзига хосхусусиятларини таснифлаш;

шоиралар ижодини давр, ижтимоий муҳит, онг, дунёқараш, ижодга кўчган туйғулар, шоир қалби кечинмалари, поэтик олам, мушоҳада кенглиги каби омиллар асосида текшириш;

давр шеърятининг умумий руҳияти ва шоиралар ижодидаги ўзига хосликни мавзу ва шакл, мавзу ва ғоя, шакл ва мазмун уйғунлигида аниқлаш;

аёллар шеърятдаги етакчи унсурлар – бадий тасвирий воситалар, қофия, ритм каби бадий сўзнинг поэтик тақомилига хизмат қилган унсурларни белгилаш;

ҳозирги ўзбек аёллар шеърятдаги анъана ва ворисийлик, услуб масалаларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини XX асрнинг 90-йиллари адабий жараёнида фаоллик кўрсатган Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва, Гулчехра Нуриллаева, Қутлибека Раҳимбоева, Зулфия Мўминова ва бошқа шоиралар мажмуалари мундарижасини ташкил қилган асарлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини шоираларнинг бадий изланишлари, поэтик маҳорати, образлар тизими ва ифода йўсинидаги ўзига хослик, миллий белгиларнинг намоён бўлиш жиҳатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-маданий, тарихий-қийёсий, биографик, психологик ва аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва, Гулчехра Нуриллаева, Қутлибека Раҳимбоева, Зулфия Мўминова сингари шоиралар асарлари тилининг жонли, образли, халқ тилига яқинлиги реалистик идрок ва ифода маданиятининг чуқурлашганлиги далилланган;

замондош инсон характеридаги янгиланишларнинг ҳаётӣ, ижтимоӣ, фалсафӣ, тарихӣ, руҳӣ асосларини ўз ижод намуналарида акс эттириш 90-йиллар ўзбек шоираларига хос умумӣ хусусият эканлиги далилланган;

XX асрнинг 90-йиллари ўзбек шоиралари шеърларидаги сифатлаш, ўхшатиш, метафора каби тасвир воситаларини қўллашдаги бетакрорлик очиб берилган;

шахс ва жамият психологиясидаги ўзгаришлар бадий тасвир воситаларининг характериға ҳам таъсир кўрсатгани шоиралар асарларидан келтирилган мисоллар орқали асосланган.

Тадқиқотнинг амалӣ натижалари қуйидагилардан иборат:

90-йиллар аёллар лирикасида ижодкор яшаган давр, ижтимоӣ муҳит сабабли ундаги мавзулар кўламининг глобаллашиши ва ижтимоӣ теранлик касб этиши асослаб берилган;

бу давр аёллар лирикасида инверсия, ритм, монолог ва диалог каби поэтик нутқ шакллариининг таъсир кучини ошириш борасида жиддий изланишлар кўзга ташланиши аниқланди;

90-йиллар аёллар лирикасида поэтик нутқнинг лаконизм, ўхшатиш, муболаға каби етакчи унсурларидан унумли фойдаланиш маҳорати кўрсатилган; аёллар шеърлятидаги етакчи унсурлар – бадий тасвирий воситалар, қофия, ритм каби бадий сўзнинг поэтик тақомилига хизмат қилган унсурлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, таҳлиллар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва аниқлиги, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, тадқиқотда қўлланилган усуллар, фикр ва назарий қарашларнинг тизимли ёндашув, таснифлаш, тарихий-қийсий методлар орқали асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшунослик фанини янги илмий-назарий билимлар билан бойитиши баробарида XX аср ўзбек адабиёти ҳамда шеърляти тарихига доир тадқиқотлар яратишда, “Ҳозирги адабий жараён”, “XX аср ўзбек адабиёти” фанлари бўйича дарслик, қўлланма, маъруза матнлари тайёрлашда, XX аср ўзбек шеърляти тарихи ва назарияси бўйича махсус курс ва семинарлар олиб боришда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий ўқув юртлири, академик лицей, умумтаълим мактаблари учун ўзбек адабиёти бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек лирикасининг поэтик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

90-йиллар ўзбек адабиётида Алишер Навоий ижодининг ўрни, замонавий ўзбек назмида мумтоз шеърлят анъаналарининг давом этиши ҳақидаги илмий хулосалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетиде бажарилган А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 12 сентябрдаги 01/4-2540/4-сон маълумотномаси). Натижада 90-йиллар ўзбек шоирлари шеърларида Навоий асарлари хусусиятларининг уйғунлашуви поэтик янгилиниш омилини юзага келтиргани ҳақидаги қарашлар билан бойитилди;

90-йиллар аёллар лирикасида миллий ўзига хослик, мураккаб ва чигал моҳият ҳамда шаклга эга бўлган ҳолату ҳодисаларни поэтик тадқиқ этишни мақсад қилганлигига доир илмий хулосалардан 1-147-рақамли “Theoretical issues of Azerbaijani-Uzbek-Turkmen linguistics” (2016–2020 йй.) мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Озарбайжон Миллий илмлар академиясининг 2022 йилдаги 5 апрелдаги 51-сон маълумотномаси). Натижада 90-йиллари ўзбек шоирлари шеърларида ўзбек халқига, ўзбек аёлига, ўзбек онасига хос бўлган миллийликнинг поэтик кўринишлари, уларнинг ҳар қандай мураккаб ва чигал ҳолатдаги ички кечинмалари тасвирига оид муайян хулосалар чиқаришга асос бўлган;

шеъриятда инсон руҳияти манзараларини бутун мураккаблиги билан тасвирлашга бўлган кучли эҳтиёж поэтик тилда янги тимсоллар ва образлар пайдо бўлишига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Тил – жамият таянчи” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 9 апрелдаги 01-16-79-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув мазмуни ўзбек шеърияти тараққиётида шаклий изланишлар ва поэтик нутқ шакллари борасидаги илмий маълумотлар билан бойитилган, дастур савияси ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Лирикада бадий тафаккур табиати ва поэтик ифода”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, унинг биринчи фасли **“90-йиллар ўзбек шеъриятининг бадий-эстетик хусусиятлари”** деб аталади. Унда 90-йиллар ўзбек шеъриятининг бадий-эстетик хусусиятлари ҳамда бу даврда ижод қилган шоирлар шеъриятида поэтик ифода янгиланиши масаласи ёритилган. XX аср охирларида юз берган жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгариш ва миллатдаги интеллектуал-маънавий ўзгаришлар, уларнинг адабиётимиздаги ифодаси сифат жиҳатидан аср бошидаги ўзгаришлардан анча фарқли кечди. Мафкуралаштирилмаган лирика энди инсон ботинига, кўнгил оламига, унинг руҳият иқлимларига чуқурроқ қарала бошланди. Шу маънода, янгиликлар ифода тарзигагина эмас, тасвирланаётган объектга ҳам тааллуқли бўлди. Шеърий объектни кўринганидай, туйилганидай тасвирлашга зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу ҳол борлиқнинг эмас, ижодкор руҳият иқлимлари билан туйғулари тасвирини олд планга чиқарди. Шу маънода 90-йиллар шеъриятини кўпроқ психологик-эмоционал йўналишда ривожланди, дейиш мумкин. 90-йиллар лирикасини кузатганда, образли талқин, серқатлам ишоралар ва миллий бўёқ

кучайганлигини кўриш мумкин. Бадиий илғам, сезимлар ўзгача йўсинда туйиб, ифодаланган бу шеърларда шоирларнинг ўзбекона нигоҳи, фикрлаш тарзи сезилиб туради. Жумладан, Ҳалима Худойбердиеванинг “Иншооллоҳ”, “Сўнгги оҳ”, “Тушунмасман”, “Элдошларим”, “Дунёларга сиғмаган ғавғо”, “Мен кетсам”, “Элдошларим ичра юриб”, “Ҳурлик ўти”, “Бу дунёнинг кўзлари”, “Зехн солсам” сингари шеърларида янги поэтик тил ва тафаккур тадрижининг ўзаро омухталиги, синтези лириканинг эстетик қимматини оширишга хизмат қилгани кўзга ташланади.

Тафаккур тадрижи қанчалар юксак бўлса, поэтик тил ҳам тобора жозиба топиб боради. Бу жиҳат лирик қаҳрамоннинг ҳар томонлама, кенг билими, интеллектуал савиясидан дарак беради. Ватани, унинг тарихини чин дилдан севиш сингари туйғулар, ватандошларини ғафлат уйқусидан уйғотиш каби фазилятларни ўзида жамлаган, миллий ҳаётнинг ранг-баранг йўналишларини акс эттиришга чоғланган кечинмалар сизиб чиқади. Шеър бадиий ғоясининг теранлиги билан ҳақиқат жарчисига айланмоқда. Ғоя аслида тафаккур мевасидир. У лирик қаҳрамоннинг курашувчан фаолиятини акс эттиришига кўра одамлар қалбига йўл топади.

*Шундай, яна йўлдадирмиз,
Отларимиз эгарланган,
Юракми, юракдан айтма,
Юрагимиз чегаланган.
Отларимиз эгарланган.*

Лирик қаҳрамон “чегаланган юрак” билан жангга кираяпти. Унинг асл мақсади – эрк. Унинг нияти – пок, олижаноб. Шу боис унинг ниятига етишига ўқувчи асло шубҳа қилмайди. Иккинчидан, лирик қаҳрамоннинг ижодий тасаввури ҳам чексиз. Тасаввурнинг ижодийлиги, теранлиги, ҳаёт ҳақиқатини чуқур англаш, бадиий маънони образлар, куюқ тасвирлар орқали ёритишни асослайди. Кўринадики, тафаккур тадрижи поэтик тилга таъсир этиб, лирик қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилаётир. Шоира Ҳалима Худойбердиеванинг лирик қаҳрамони ижтимоий-ахлоқий позициясининг фаоллиги, тадқиқий изчил хулосаларга эгалиги ва теран нигоҳи билан ажралиб туради.

*Шундай ўргат қулни, хонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.*

Шоира танлаган сўзлар лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлиги ва юксак миллатпарварлигини кўрсатишга қаратилган

Ғоя, фикр кучли бўлса сўзлар зиммасига юкланаётган маънонинг бўёқдорлиги ҳам ортади. Шу тариқа поэтик тилдаги ифода йўсинлари хилма-хиллашади. Масалан, поэтик тилнинг эмоционаллашганлиги, образлилиги натижасида сўзнинг тағмаънолари ҳам янада жилоланади. Шу маънода поэтик тил “шаклнинг мазмунга ва мазмуннинг шаклга кўчиши”ни⁹ теранроқ ифодалайди. Бу жиҳатдан Ҳалима Худойбердиеванинг 1992 йили ёзган “Кўриб

⁹Султон Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 197.

ёздим” шеъри эътиборлидир. Шоира ижоди ўтган даврда динамик ривожланишда бўлди. У бир шеърида шундай дейди:

*Қадим ҳаёт йўлларида
Кўприк зоти–аёл, бас.
Тўмариснинг қўлларидан
Туғ олмаган аёлмас¹⁰.*

Бу Ҳалима Худойбердиевагагина хос бўлган алоҳида санъат даражасидаги сўз танлаш ва қўллаш маданияти намунасидир.

Шоира бу “Қадим ҳаётда аёл зоти кўприк” лигини ва эрамиздан аввалги VI асрда Эрон шоҳи Кирга қарши курашиб, уни енгган Тўмарис ҳақида ёзади¹¹. Лекин “Тўмарисдан ўтказиб, мардонаворлик қилмаган аёлмас,” дер экан, шоира теран ҳақиқатни жуда маъноли идрок этади:

*Улугбекдай битта ўғлон
Туғолмаган аёлмас¹².
ёки бошқа бир ўринда:
Бари ёлгон,
Шу йўлгина чин.
Бу йўлда юрмайсан, учасан.*

*Фақат унда кетмоқлик учун
Ўзинг бор-йўзингдан кечасан¹³.*

Шоира шахс, миллат ва Ватан тақдири учун юксак масъулик туйғуларини йўл, қўнғироқ, тоғ рамзларига сингдириб боради. Байроқ, қуёш, ой, ота, она, деҳқон каби ўхшатиш ва поэтик кўчимлар орқали бадиий умумлашма фикрларини айтади. Шу орқали Халқ образининг маъно-моҳиятини кенгроқ очиб беради.

Бобнинг “90-йиллар ўзбек шоирлари ижодида поэтик ифоданинг янги ланиши” номли иккинчи фаслида шоирлар ижодидаги поэтик тилнинг ифодаланишига эътибор қаратилган. Лирикада поэтик тил муайян жиҳатдан индивидуаллашган ҳам бўлади. Масалан, Ҳалима Худойбердиева шеърларининг тилида равонлик ва образлилик, Ойдин Ҳожиевада тавсифийлик, Зулфия Мўминовада эса эмоционал бўёқдорлик, тағмаънолилилик яққол кўзга ташланиб туради. Бу ҳол, албатта, ижодкорнинг бадиий-эстетик тафаккури табиатидаги ўзига хосликдан келиб чиқади. Шу билан бирга ушбу шоирларимиз ижодини бир масала – миллий колоритнинг устуворлиги муштарак қилиб туради.

Лирикада поэтик тил шоир ички дунёсини, ҳис-туйғуларини ифодалаш хусусиятига эга. Аслида бу поэтик тилнинг энг характерли жиҳатидир. XX аср ўзбек шоирлари лирикасида поэтик тилнинг ижодкор ички дунёси, ҳис-туйғуларини ифодалаш муштарак жиҳатларга эгадир. Хусусан, Ҳалима Худойбердиева шеърларидаги эмоционал бўёқдорлик буткул ўзига хос. Унинг шеърляти XX аср ўзбек шеърлятида алоҳида ҳодиса ҳисобланади. Шоира “Муқаддас аёл” шеърида ёзади:

¹⁰Худойбердиева Ҳ. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 224.

¹¹Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 49-50.

¹²Худойбердиева Ҳ. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 224.

¹³Худойбердиева Ҳ. Йўлдадирман. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 320.

*Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди.
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди.
Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл¹⁴.*

Одатда гул қўлга тутқазилади, лекин шоира “отиш” сўзини ишлатиш билан завқни, тасвир таъсирини кучайтириб ўқувчини бўлажак ходисага руҳан тайёрлайди.

Зебо Мирзаева шеърини ҳам поэтик тилининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шеърнинг лирик қаҳрамони: “Мен талпинган ўз осмоним бор”, – дейди. Ёлғизланган руҳ бу осмондан туриб дунёни кузатар экан, уни равшан нигоҳ билан қамраб олади:

*Мен ҳануз ўшаман,
Ўжар малика,
Эғнида жанда-ю, кўксидан осмон¹⁵.*

Шоира куйлари ва ўйларининг парвозига ватан бўлган осмон – бу аслида ижодкорнинг кўнгил дунёси. Бу осмон жуда ёруғ нур билан тўлган, илоҳий нигоҳга тўлиқ. Бу нур кўзёшларга қўшилиб кетади ва ҳар томчиси шеър бўлиб дунёга келади:

*Сенинг оғушингга тўкилган тушлар
Опоқ соғинчимнинг қаро кунлари;
Сенинг изинг узра сочилаётган
Менинг кўзёшларим –
Нур кукунлари!..¹⁶*

Шеърнинг лирик қаҳрамони дунёдан безиб кетган чоқлари кўнгил билан ёлғиз қолиб, дейди: “Менинг дўстим – кўнгил қафасим...” Бу ерда бошқа бир маъно ҳам бор, яъни кўнгил дўст, лекин у ҳам қафасда.

Қутлибека Раҳимбоева каби шоиралар ижодида ана шу янгиликни ҳис қилиш иқтидори тадрижий равишда шакллана бошлади. Шу боис шеърини янгича ифодалар ва услублар янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Шоира Гуландом Тоғаева ижодида ҳам ўзига хос фалсафий мушоҳада, оламни мантиқий билишга бўлган нозик интилиш сезилиб туради. Шоиранинг бадиий қаҳрамони оламга ёниқ ва қатъий нигоҳ ташлайди:

*Олдинда ҳали кўп гўзал кунлар бор,
Майин ифторларга тўлар ҳам қасри.
Азиз замондошим, муборак бўлсин,
Севинганлар асри, муҳаббат асри!*

Унинг “Тилак” номли шеърида ҳам ана шу “севинганлар асри”да яшамок орзусидаги лирик қаҳрамоннинг овози янграйди:

*Тирноқларим, бахтимни сизга ўлчаб бермасин,
Берса берсин кўзимни кўкда офтоб этгулик.
Майли, Ширинникидек холни юзим кўрмасин,
Ойбарчиндек қалб берсин, Алломишга тутгулик¹⁷.*

¹⁴Худойбердиева Ҳ. Ўйлабдиран. – Т.: Шарқ, 2006. – 90-б.

¹⁵Зебо Мирзо. Нур кукунлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 67-б.

¹⁶Ўша манба. Б. 84.

¹⁷Тоғаева Г. Муҳаббат асри. – Т.: А.Қодирий номли Халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 28.

Банддан-бандга ўтган сайин шеърда ҳам маъно жиҳатидан, ҳам оҳанг жиҳатидан ўзига хос динамика намоён бўлади:

*Тирноқларим, бахтимни сизга ўлчаб бермасин,
Нодира мазорига арзиб чироқ ёқай-ей.
Оқ кўйлақда юрибман, гулдураклар урмасин,
Шеъримга абадият чучмомасин тақай-ей!*¹⁸.

Шоира ўз шеърларида бадий такрорлардан унумли фойдаланади. Зеро, поэтик нутқда бадий такрорлар катта роль ўйнайди. Яъни, поэтик ғояни ўзида ифодаловчи товуш, сўз, сўз бирикмаси; мисра, байт, банднинг шеър қурилмасидан муайян қонуният асосидаги такроридан тузилган фонетик, лексик, морфологик, синтактик нутқ обороти бадий такрорлар саналади¹⁹ ва поэтик яратик таъсирчанлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Поэтик тил таъсири фақат ўзининг жозибаси, шаклий теранлиги ва ранг-баранглиги билан эмас, яна инсон руҳий оламини қай даражада ёрита олиша билан белгиланади. 90-йиллар ўзбек лирикасида ҳам инсон руҳиятидаги ўта нозик жиҳатларни тасвирлашга уриниш кучли. Шоиралармизнинг кечинмалар ҳақидаги ахборот бериш эмас, балки ижтимоий-руҳий фаоллиги ортган замондошнинг туйғулар анатомиясини, руҳиятидаги ўзгаришларнинг манбаси ва манзарасини кўрсатишга киришганлиги лирикада поэтик тилнинг ижтимоий психологик асослари қандайлигини билиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Руҳият манзараларини бутун мураккаблиги билан тасвирлашга кучли эҳтиёж поэтик тилда янги тимсоллар, қиёфалар пайдо бўлишига олиб келди.

Таниқли шоира Гулчеҳра Жўраева ижодида ҳам чор-атрофдаги нарса-ҳодисаларга ўзгача ёндашиш, ўткир тасаввур ва ёруғликка бўлган улкан интилишу ишонч намоён бўлади:

*Кўзлари ёриган ҳорғин онадек,
Ватандан олурман беминнат қудрат.
Созлом авлодимнинг жони-тани деб,
Тандирга ёпурман нон сават-сават.
Истиқлол муқаддас нонимиз қадар,
У– жонда, у – қонда, у – кўрар кўздек.
Кумуш сочларимни этмасам камар,
Мен ўзбек эмасман, ҳақиқий ўзбек!*²⁰

Шеърнинг лирик қаҳрамони мамлакатимиздаги улкан ўзгаришларни, истиқлолни ўзгача бир ҳаяжон, катта пафос билан кутиб олади. Истиқлолни нон қадар азиз неъмат деб билади. Ана шу ижтимоий пафос шеърдан шеърга, сатрдан сатрга ўтиб шоира овозининг ўзига хослигини, тасаввурининг эзгуликка туташлигини таъминлайди.

Иккинчи боб “**Поэтик образ – лирик кечинманинг ўзига хос ифодаси сифатида**” деб аталиб, унинг биринчи фасли “**Поэтик тафаккур ва ифода тарзидаги янгиланишлар руҳият тасвиридаги ўзгаришларнинг омили**” дея номланган. Бу фасл поэтик тафаккур ва ифода тарзидаги янгиланишлар руҳият

¹⁸Тоғаева Г. Муҳаббат асри. – Т.: А.Қодирий номли Халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 28.

¹⁹Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 431.

²⁰Жўраева Г. Йилларим-йўлларим. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 6.

тасвиридаги ўзгаришлар ҳамда шоиралар шеърлятидаги метафорик образ ва рамзийлик масаласини ёритишга бағишланган. Бобда оламни билиш ва воқеликни ҳис қилиш бир қатор компонентлар уйғунлигидан иборат бўлиб, ижодкорнинг дунёни поэтик англаш, мантиқий фикрлаш малакасидаги ўзига хослик туфайли индивидуаллашиши баён этилган. Поэтик идрок индивидуаллик, яъни ижодкорнинг воқеликни ўзига хос кўриши, воқеа-ҳодисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалари билан акс эттиришини англатади. Поэтик идрок асарда яққол кўзга ташланувчи, ажралиб турувчи ғоявий-бадий хусусиятлар йиғиндисидан ташкил топади.

XX асрнинг 90-йилларида ўзбек шоирлари ижодида олдинги даврлардагидан жиддий фарқ қиладиган ўзига хос бадий тафаккур намоён бўлди. Шеърлятида лирик қаҳрамондаги ҳолат ўқувчига ўтади. Шу маънода бир жиддий илмий манбада ёзилганидек, “лирик образ – кечинма образдир, аммо ижтимоий аҳамиятга эга кечинмаки, унда шоирнинг шахсий маънавий дунёси, ўзининг индивидуаллигини йўқотмаган ҳолда, умумлашган тарзда ифодасини топади, шунинг ўзи билан бу кечинма – образ шоирнинг шахсияти доирасидан чиқиб кетади”²¹. Бунда биз поэтик идрокнинг ўзига бўладиган эмоционал таъсирига дуч келамиз. Лекин бу таъсирчанлик турли воситалар ва усуллар билан юзага келади.

Таниқли шоира Ойдин Ҳожиёва шеърлярида ҳам лирик қаҳрамон руҳияти тасвиридаги ўзига хослик яққол кўзга ташланади. Унинг “Тошҳовли” шеърляти шундай манзара чизилган:

*Қирқмагина қорақош,
Ҳам сингилу ҳам кундош,
Фол очарди кўзда ёш,
Сўз демасди Тошҳовли.
Кун ёйилса ҳар саҳар,
Ёқа вайрон қирқ дилбар
Қўшиқ айтди сарбасар,
Оғиз очмас Тошҳовли²².*

Шоиранинг маҳорати шундаки, шеърляга “Тошҳовли” дея сарлавҳа қўйиш билан ўқувчини воқелик тасвирига руҳий жиҳатдан тайёрлайди, қизиқтиради. Баланд тош деворлар билан ўралган ҳовлида нима рўй беради? Берилган воқелик тасвири этни жунжиктиради: Қирқта қорақошли гўзал қиз унда яшайди, улар ўзаро опа-сингиллар ва кундошлар. Бахтдан фол очишади, эрталаб жанжаллашишади. Тушларига ҳуррият кириб чиқади. Бироқ дарвоза ёпиқ ва барча воқеадан хабардор бўлган Тошҳовли жим.

Поэтик идрок индивидуаллик, яъни ижодкорнинг воқеликни ўзига хос кўриши, воқеа-ҳодисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалари билан акс эттиришини англатади. Поэтик идрок асарда яққол кўзга ташланувчи, ажралиб турувчи ғоявий-бадий хусусиятлар йиғиндисидан ташкил топади. Инсон руҳининг ички қатламларига кириб боришга интилиш мавжуд. Жисман

²¹Краткая литературная энциклопедия. Том 4. – Москва, 1976. – С. 208.

²²Ҳожиёва О. Мушфиқ она.–Т.: Шарқ, 1992. – Б. 12.

этироф этилган роҳатни руҳан рад этиш, вужуднинг бир лаҳзалик руҳга айланиб, руҳнинг кўп йиллик вужуд ичида қийналиши, руҳга қараб дунёнинг суратини чизиш, дунёни кузатиб руҳ қасрини барпо этиш, таъқиқланган тўғрилиққа интилиш, мавжуд эгриликдан воз кечиш сингари чигал ҳолатларда яшаётган замондош руҳиятини тасвирлаш Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва, Қутлибека, Зебо Мирзо сингари шоиралар ижодига хос хусусиятлардир. Улар ижодида руҳ ҳақиқатларини куйлаш устувор даражада кўзга ташланади. Лекин бу устуворлик индивидуал ўзига хослик асосига қурилган.

Шоира Зулфия Мўминова – поэтик идроклари оловли ва ҳаяжонли ижодкор. У ўзига хос шеърий назар, услуб ва овозга эга. Шоира ифодаларида халқона оҳангларга яқинлик устуворлик қилади:

*Шоҳни ҳам, гадони ҳам,
Бир йўлда кўр, бир йўлда кўр.
Бу дунёнинг ишларин
Ҳар йўлда кўр, ҳар йўлда кўр²³.*

Инсон учун у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо борадиган йўл – битта. Лекин ҳаёт машаққатлари, “дунёнинг ишлари” турли-туман. Шоира бу шеърда ўқувчига ғоят эски ва маълум ҳақиқатни эслатади. Лиризмнинг туғилишида шеър вазнининг тўғри танланиши ҳам муҳим ўрин тутаяди. Жарангдор сўзларни танлаш, уларни ўз ўрнида ишлатиш, нисбатан қисқа ҳижоли вазндан фойдаланиш – булар лирик оҳанг ва руҳнинг таъсирчан бўлишини таъминлайди. Ўзбек шоираларида поэтик идрок ўзига хос бир тарзда шаклланганки, у натижада бадиий тафаккурнинг теран бўлишига олиб келган. Шоиралар миллатга тегишли мавзуларда, умумбашарий аҳамиятга эга муаммоларни миллий услубларни тасвирлай билдилар. Шу сабабли уларнинг лирикаси яшовчан ва қалбларга етиб борган.

Бобнинг иккинчи фасли “**Шоиралар шеъриятидаги метофорик образ ва рамзийлик**” деб номланган. Поэтик идрокнинг шаклланиши, унинг тадрижи ва шоирнинг ўзлигини намоён қилиши каби масалаларда ўзбек адабиётшунослигида бир талай қимматли фикрлар билдириб ўтилган. Зеро, шоирнинг поэтик идроки кўплаб ҳодисалар орасидан энг муҳимларини типиклаштириб тасвирлашда ҳам намоён бўлади.

Гулчехра Нуриллаева шеъриятининг бадиий хусусиятлари ҳам бир қатор ўзига хосликларга эга. У бир ўринда шундай ёзади:

*Кўзни қандай юмсақ, шундай очамиз,
Тўшакни эзмагай босириқ тушлар.
Тонг билан иззатни тўйиб ичамиз,
Мақтовлар кун бўйи кўнглимиз хушлар²⁴.*

Ғариб одам ғолиб бўлиши мумкинми? Мумкин, қачонки, унинг қалбида ҳақиқат ва адолат бўлса. Шу сабабли унинг “боши тик, оёғи тик бўлади ва юраги кўрқувдан титрамайди”. Шоира бундай коллизияларни таъсирли йўсинда бера биледи. Г.Нуриллаева ҳар бир одамга ўта талабчанлик билан ёндашади. Унинг комилликка интилишини, шахсга айланишини истайди. Ижодкор ўз қалбини акс

²³Мўминова З. Ёнаётган аёл. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1992. – Б. 5.

²⁴Нуриллаева Г. Сайланма. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1993. – Б. 419.

эттирар экан, шу юрак тилсимларини сўзлар катимга жойлайди, ўз “менлигини” тасвирлаш орқали бошқа қалбларга рухий боғланиш туяди. Шу боис ҳар бир шоир йил фаслларини, инсон умрининг турли ҳолатларини индивидуал тарзда кечиради ва поэтик идрок “ғалвири”га ташлайди. Бу идрок ҳосиласи бўлмиш шеър шу боис ҳам қалбларда ўзига хос акс-садо беради. Шоира Ҳалима Аҳмедова шеърларида дунёни ҳис қилиш, ўз қалбини, ўзлигини англаш эҳтиёжи ранг-баранг услубларда тасвирланади:

*Лайли кафани ичра сепинг жамбилам,
Оққушлари сувга чўккан сусанбилам.
Бошимни беринг зам қушининг озигига,
Дийдорига етолмаган ташина дилам²⁵.*

Ошиқлик ўқининг беҳад ўткир тиғи Лайли юрагига бориб қадалган. У шу боис ғамнинг ўзини ҳам шифо деб билади. Ишқ жодуси яралаган қалб борлиқдан осудалик топа олмайди. XX асрнинг 90-йиллари ўзбек шоирлари шеърятнинг ана шундай юксак ижтимоий миссияси борлигини ҳис қилиб ижод этишган. Бу даврдаги бадий тафаккур миллий колоритга бойлиги билан ажралиб туради. Унда миллий онг, ҳис-туйғулар, тафаккур ва қарашлар ўз аксини топган. Бу давр аёл шоирларда поэтик тилга эътибор кучайди. Мафкура зуғумидан қутилган ижодкор рангин ўй-хаёлларини бутун мураккаблиги билан ифодалаши учун миллий тилнинг ҳиссийлик, бўёқдорлик, образлилик, аниқлик, рамзийлик, тағмаънолилик сингари бир дунё имкониятларидан фойдалана билиши зарур эди. Шунга эришилсагина ижодкорнинг битганлари ўқувчилар қалбини ром этарди. Шунингдек, бу даврдаги аёл шоирлар кучли рухий кечинма, чексиз хаёлот парвози, адоқсиз фантазия ва аниқ тасаввур кудрати каби сифатларга ҳам эга эдилар. Бундай хислатларнинг мавжудлиги поэтик тасвирнинг таъсирчан ва юқумли бўлишига олиб келарди. Шоира Фарида Афрўз шеърятини ўзига хос мушоҳадалар, бой поэтик маънолар ва фалсафий хулосаларга эга ижод намунаси деб қараш мумкин. Шоиранинг “Қирқ кокиллигим”(1986), “Изтироб кўйлаги”(1990), “Тунлар исёни”(1994), “Кўзим маним”(1999), “Ўзимдан ўзимгача”(2001) каби шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Шоиранинг “Ўзимдан ўзимгача” шеърлар тўпамидан жой олган шеърларда ижодкорнинг ички “мен”и бўртиб туради, борлиқ ва қалб муносабатлари инъикоси ўзига хос тарзда акс этади. Ўз номига муносиб бу китобда ўзлигини ахтараётган ижодкорнинг қалб туғёнлари ҳаққоний акс этади.

“Поэтик нутқнинг етакчи хусусиятлари” номли учинчи боб икки фаслдан таркиб топган. Унинг **“90-йиллар шоирлар шеърятда шаклий изланишлар”** номли фаслида 90-йиллар шоирлар шеърятда шаклий изланишлар ва поэтик нутқ шакллари: лирик “мен”нинг монологик ва диалогик муносабати очиб берилган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўзбек лирикасида поэтик нутқ ва индивидуал услубнинг ўзига хос жиҳатлари яққол кўзга ташланарди. Бу масалани маҳсус ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг диққат марказида турган муаммолардан биридир. Поэтик нутқнинг бир неча етакчи белгилари бўлиб, улар бадий

²⁵ Аҳмедова Ҳ. Тийрамоҳ. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. – Б. 74.

тасвирий воситалар ва поэтик кўчимлар орқали ифодаланади. Поэтик нутқнинг илк белгиси лаконизм хусусиятига эгалигидир. Лаконизмда “фикрни қисқа ва ёрқин ифода эта билиш маҳорати мавжуд”²⁶. Бу қисқа ва ёрқин ифодада кераксиз битта ҳам сўз бўлмайди, аксинча, текстдан бир сўзни олиб ташлаш мазмунга зарар етказди. Шу маънода лаконизм мазмунни қисқа ва ёрқин ифодалашдир²⁷. Ҳалима Худойбердиеванинг куйидаги шеъри замиридаги ҳаётий ва бадиий маъно ҳамда ифода йўсинидаги ўзига хослик ифодадаги лаконизм туфайли юзага келган. Бу шеърнинг хусусияти шундайки, ундаги бирор бир сўзни олиб алмаштириб бўлмайди. Агар сўз олинса, мазмун бузилади:

*Халқим дейман, руҳим тушиб,
Кимлар кўнглинг тўқ қилдилар.
Минг сўқиринг тил топишиб,
Бир уйғоғинг йўқ қилдилар.*²⁸

Ойдин Ҳожиева шеърлярида ҳам лаконизм намуналари учрайди:

*Келининг кўрган ҳамон
Оҳ тортмагил, онажон.
Ўзи дардкаш қалбингга
Юк ортмагил, онажон*²⁹.

Лаконизм ушбу сатрларда чиройли воқе бўлган. Ундан “онанинг дардкаш эканлиги, келинини кўрганида оҳ тортиши, бу билан ўз қалбига юк ортиши” англанади. Одатда, қисқа сатрларда енгил ва ўйноқи ҳолат ёки руҳият ифода этилади. Лаконизм, асосан, поэтик нутққа хос хусусиятдир. Баъзан насрий асарларда ҳам лаконизм учрайди. Лекин у лирикадаги сингари ёрқин чакнамайди.

Поэтик нутқнинг етакчи белгиларидан яна бири муболағадир. Муболағада бирор ҳодиса, воқеа, ҳолат ёки хусусият бўрттириб тасвирланади³⁰. Шоира Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Зулфия Мўминова каби шоирларнинг шеърларида кўриш мумкин.

Насрий асарларда муболаға персонажлар тилида ҳам қўлланилади. Лекин соф лирик асарларда муболаға фақат муаллиф тилида қўлланилади. Шунда ҳам у қисқа ва ёрқин ифодаланади. Лириканинг табиати шундай. Муаллифнинг маҳорати муболағани топа билиш ва ўз ўрнида қўллай олишда кўринади. 90-йиллар шоирларида бундай маҳорат бор. Улар қўллаган муболағалар ўринли ва ишончли чиққан.

Ойдин Ҳожиева лирикасида лексик-семантик хусусият халқнинг сўзлашув тилидан кенг фойдаланишида намоён бўлади. Унинг шеърларидаги лексик бойлик соф ўзбекча сўзлардан иборат. Арабий ва форсий сўзлар нисбатан кам ишлатилган. Бу ўзига хос хусусиятни тилшунослик нуқтаи назаридан махсус ўрганишга эҳтиёж бор.

